

МАҚСУД ШАЙХЗОДА

*Abdujalilova Moxinur Valijon qizi
Toshkent davlat transport universiteti
ATM fakulteti 2-bosqich talabasi
E-mail: abdujalilovamohinur03@gmail.com
+99 893 748 56 66*

Annotation: In this article, mainly samples of the unique, lush creativity of the Uzbek folk poet Maqsud Shaikhzoda were drawn into the analysis.

Keywords: Phenomenon, creation, blood, art, literature, environment, history, process, evaluation, original, unique.

Аннотация: Ушбу мақолада, асосан, ўзбек халқ шоири Мақсуд Шайхзоданинг ўзига хос, серқирра ижод намуналари таҳлилга тортилган.

Калит сўзлар: Феномен, ижод, қондош, санъат, адабиёт, муҳит, тарих, жараён, баҳо, оригинал, бетакрор.

Ўз замонасида ўзбек миллатига қондош бўлган озарбайжон наслидан бўлган, кейинчалик ўзбек заминида яшаб, ўзбек халқининг, нафақат, севимли шоири, драматурги ва забардаст олими сифатида машхур бўлган Мақсуд Шайхзода 1908 йили Озарбайжоннинг Ганжа вилоятига қарашли Оқтош шахрида, зиёли оиласида таваллуд топди. Унинг отаси, ўзи моҳир шифокор бўлишига қарамай, санъат ва адабиётга ўзгача меҳр қўйган, тарих, фалсафа фанларини ҳам чуқур билимдони эди. Бир сўз билан айтганда, ўта қизиқувчан ва турли хил соҳа вакиллари билан турли хил масалаларда баҳслаша оладиган, том маънодаги зиёли эди. Мақсуд Шайхзода ана шундай муҳитда тарбия топди ва яхши устозлар қўлида билим олди. У ўз оиласида, ёшлик чоғларидаёқ Низомий Ганжавий, Фирдавсий, Навоий, Фузулий, Пушкин, Шекспир каби буюк ёзувчиларнинг ҳаёти ва ижоди ҳақидаги сұхбатларни эшитиб вояга етди ва адабиётга қизиқиши ортди.

Мақсуд Шайхзода ўрта мактабни тамомлагандан сўнг, 1921 йили Боку шахридаги “дорулмуаллимин”да таҳсил олади. Ўқиши мұвафаққиятли тугатгач, илк бора, Доғистоннинг Дарбанд ва кейинчалик Бўйноқ шаҳарларидағи мактабларда муаллим бўлиб фаолият юритади. Табиатан ўта қизиқувчан ва ўткир билимга эга бўлган Мақсуд, ёш бўлишига қарамай, 1926-йили “Миллий фирмә” ташкилотига аъзо бўлади ва мусовотчилар ҳаракатининг фаол иштирокчиси сифатида 1928-йили ҳибсга олиниб, Тошкентга сургун қилинади. Ушбу воқеалар сабаб, Мақсуд Шайхзода умрининг охиригача

Тошкентда яшаб, ижод билан машғул бўлади. Замоннинг ҳар қандай таъқиб ва таҳқирлари Мақсудни ҳам четлаб ўтмади, бироқ, шунга қарамай, бутун бир умри давомида ўзбек халқига ўзига хос садоқати ва ўлмас ижоди билан хизмат қилди. Унинг иккинчи ватани бўлмиш Ўзбекистонга бир ижодкор фарзанд сифатида ўзидан серқирра, ранг-баранг, ўлмас адабий мерос қолдирди.

У Тошкентдаги илк фаолиятини мактабда ўқитувчиликдан бошлади. Тез орада адабиётга бўлган қизиқиши ва ўзига хос бадиий санъатга бўлган иштиёқи туфайли “Шарқ ҳақиқати”, “Қизил Ўзбекистон”, “Ёш ленинчи” газеталарида ишлади. Бу орада ўзбек шоир ва ёзувчилари билан дўстлашди. Ўта зеҳнли бўлган Мақсуд рус тилини мукаммал билогони эди ва шунга қарамай ўзбек тилида қандайдир озарбайжонча акцент билан гапиради. Унинг қўнғироқдай жарангдор ва ёқимли овози бор эди. У нутқ сўзлаганда ёки минбарга чиқиб шеър ўқиганда барчани ўзига маҳлиё қилиб оларди. Унинг дунёқараши кенг бўлганлигидан нутқи жуда равон эди, вақтида керагини топиб гапирав ва сўзлаганда ҳам оддий инсон, ҳам ижодкор бир олим сифатида, сўз ва ибора, мақол ва маталлардан унумли фойдалана олар, шунинг учун ҳам унинг нутқи тингловчиларини зериктириб қўймас эди. 1929 йили илк бора шоирнинг ўзбек тилида ёзилган шеъри “Шарқ ҳақиқати” газетасида чоп этилди Шундан кейин шоирнинг “Ўн шеър”, кейинчалик “Ундошларим”, “Учинчи китоб”, “Жумҳурият” каби тўпламлари нашрдан чиқди.

Мақсуд Шайхзоданинг шеърлари ўз даврида ўзбек халқининг ўзига хос қаҳрамонликлари, душман билан олиб борган мардона кураши ва жанглари, орзулари ва бахти, озодлиги ва дўстликни мадҳ этувчи мотивларга бойлиги билан ҳам биз учун аҳамиятлидир. У, бизнингча, Ўзбекистонда шунчаки яшамади, балки ушбу заминга ўзини фарзанд деб билди. Бир фарзанд сифатида фарзандлик бурчини аъло даражада бажарди. У замон билан, Ўзбекистон деган диёр билан ҳамнафас бўлиб яшади. Ўз асарларида инсонийликни, инсонга хос фазилатларни, руҳий кечинмаларни, одамийликни тараннум этди. Ҳаёт воқеликлари, замона кишилари руҳиятидаги ўзгаришлар ва ҳолатларни яратган бетакрор образлари орқали ифодалаб бера олди. Унинг шеъриятидаги асосий образлар (Вақт, Манзил, Суръат, Сафар, Карвон, Харита, Йўл) [2.266.] инсонларни фалсафий мушоҳадага чорлаб туради ва чукур ўйга толдиради. Ўтаётган умр карвони, ўткинчи ҳаётнинг тарихга айланиши, вақтнинг инсон ҳаётидаги аҳамияти, йўлнинг бетакрорлиги ва гўзал орзулар рўёби инсониятни саодатга элтиши ҳақидаги теран фикрлар осонгина шеърий сатрларга кўчади. Баъзан, ўзига хос бетакрор мисралар, шеърхонни ўйлантириб қўяди. Яна мушоҳадага чорлайди. Шоир яратган “мўъжиза”, у қўллаган “образ яратувчи сўз” ҳайратни оширади: “Ернинг юрак тепишидан бўлсан хабардор!

Бунинг учун қулоқ керак худди Ой қадар!”

Инсон тасаввурига сиғиши қийин бўлган фикрлар туйғуси, ҳар қандай инсонга ҳос бўлмаган, ўзига ҳос, илоҳий туйғу. Ана шундай туйғулар силсиласини кузатамиз шоир ижодида. “Ер”нинг юрак уришини “Ой” қадар қулоғи билан шоирнинг ўзидан бўлак, бошқа инсонлар ҳам сеза олиши мумкинмикан, аслида. Ушбу сатрлар шоирнинг мушоҳадага бой, бетакор ҳаёлот одами ва чексиз тасаввур эгаси эканлигидан далолат беради. Ўзбекона сатрларни ўқиганимиз сари шоирнинг ҳақиқий ўзбек шоири эканлигига яна бир бор амин бўламиз. Ижодкор тунни қузатар экан, туннинг қаролигини ўзига ҳос ўлчовлар билан аниқлашга интилади ва шундай сатрларда ўзига ҳос йўсинда ифодалайди: “Шунча қуюқ эди тунги қоронғу, Ҳовучлаб кафт ичра сиққилик гўё”.

Мақсад Шайхзода ўзбек шоирларидан Ойбек ва Фофур Ғуломлар билан дўстлашди. Улар билан доимий мулоқотда бўлди. Улар Мақсад Шайхзода билан нафақат адабиётга бўлган қизиқиш ва бадиий ижод билан боғлиқ масалаларда, балки ҳаётда ҳам яқин дўст ва маслакдош бўлиб қолдилар. Шоирнинг энг оғир пайларида ҳам, ҳар қандай ҳолатда қўлловчи бўлдилар, ундан воз кечмадилар. Айниқса, серқирра истеъдод соҳиби бўлган ижодкор, шеърлар, достонлар билан бирга юксак баддий маҳорат билан драмалар яратса олди. Тўғри, шоир умрининг охирги пайларида ёзишга киришган, баҳтга қарши, тугалланмай қолган асарлари ҳам бўлди. Бироқ, унинг “Мирзо Улугбек”, “Жалолиддин Мангуберди” каби шеърий драмалари билан бир қаторда, достон ва шеърий тўпламлари, ўзбек миллатининг ўлмас маънавий меросига айланиб қолганлиги муболага эмасдир. Шуни ҳам айтиш мумкинки, Ойбек ва академик шоир Фофур Ғулом, ўз вақтида, “Жалолиддин Мангуберди”(1944) тарихий драмасига юксак баҳо берар эканлар, ижодкор ўз асарида юргозодлги йўлида жасорат кўрсатган Хоразм шоҳининг мўғул босқинчиларига қарши кураши тарихини аниқ ва бадиий образларда ҳаққоний тасвирлаб берганлигини таъкидлаганлар:

“Тарихий жараённинг ҳақиқий мазмунини, унинг ички маъносини” очиб берган, “Композицияси пишиқ, драматик тўқнашувларга бой бир асар. Воқеалари жонли ва шиддатли равища баён этилади. Интрига кучли, ўткир ва оригинал. Драма фикр ва ҳикматга бой, баланд руҳли, бакувват шеър билан ёзилган”, -[2. 184.] деган эдилар.

1945-йилда Ҳамза номидаги ўзбек давлат драма театрида саҳна юзини кўрди. 1946-йилларда ушбу драмадан айрим парчалар ”Армуғон” тўпламида босмадан чиқарилган. Кўп ўтмай асар саҳнадан олиниб, Мақсад Шайхзода эса қамалади. Унинг ушбу асарига ўтмиш идеаллаштирилган деган сиёсий айб

қўйилади ва мол-мулки мусодара этилади. Буюмлар орасида ушбу тарихий драманинг қўллэзмаси ҳам бор эди. Қамоқдан оқланиб қайтгандан сўнг муаллиф ўзи ёзган асар қўллэзмасини анча вақт қидириб сарсон бўлди ва ниҳоят, асарнинг бир нусхасини топишга мұяссар бўлди. Асарнинг тўла матни шоир вафотидан сўнг илк бор унинг ватани-Бокуда озарбайжон тилида нашрдан чиқади. 1988-йилда эса “Боқий дунё” китобида ўзбек тилида нашр этилади. XX асрнинг 60-йилларида ёзилган тарихий асарлар бирон-бир расмий ташкилотлар томонидан эътироф этилмай турган бир пайтда Мақсад Шайхзода ҳеч бир иккиланмай яна бир тарихий асарга қўл уради. У буюк шахс, шоҳ ва олим, юлдузлар илми мұхандиси Мирзо Улуғбек ҳақидаги шеърий драмасини ёзишга киришди. У ўз асарида буюк аждодимизнинг ҳаётини бор ҳақиқатлари билан очиб беришни ўз олдига мақсад қилиб олади. У Мирзо Улуғбекнинг фожеавий ҳаёти, илм йўлидаги интилишлари, маъшум даврдаги ижтимоий ҳаётнинг зулмкорлиги ва қанча-қанча улуғбекларнинг унинг қурбонига айланганлигини ёрқин образлари орқали кўрсатиб бера олди.

Мақсад Шайхзодада ижодга бўлган ишқ илоҳий эди десак адашмаган бўламиз. У ўзбек классик адабиётининг билимдони сифатида ҳам яхшигина танилган эди. 1941-йилда унинг Навоий ижодига оид илмий мақолалари тўплами “Гениал шоир” номи билан нашр этилди. Навоий лирикасини теран англаган шоир умрининг сўнгги йилларида “Ғазал мулкининг сultonни” номли йирик илмий асарини ёзишга мушарраф бўлди. Ушбу асар орқали Мақсад Шайхзода, ўзининг, яна бир бор юксак истеъдод эгаси эканлигини исботлади.

Ижодкор ижодий фаолиятига назар ташлар эканмиз, унинг ижоди нақадар ўзига хослиги ва рангбаранглиги билан бошқа замондош ижодкорлардан тубдан фарқ қилишига амин бўламиз. Унинг чуқур сиёсий публицистик рух билан йўғрилган ижоди, шеърий ва драматик асарлари, ранг-баранг мавзулари билан доимо замон ва макон билан ҳамоҳанг ва ҳамнафас эди. Мақсад Шайхзода барча ўзбек ёзувчилари қаторида ўзбек адабиётига муносаб ҳиссасини қўша олди. У мумтоз жаҳон адабиёти дурданаларини ўзбек тилига таржима қилишда ҳам фаол иштирок этди. Қисқа умри давомида Байрон, Шекспир, Пушкин, Лермонтов шеърларини илк бор ўзбек ўқувчисига тақдим эта олган шоирлар қаторидан жой олишга ҳам улгурди. Шоир, унинг учун яшаш қанчалар оғир кечган бўлмасин, ҳеч қачон ўтган умридан нолимади, аксинча севиб ва севишни ўргатиб, ўз асарларида инсонларга инсоншунослик фанидан сабоқ берибгина қолмай, барчага, ватанига бўлган садокати ва ўзи яратган ёрқин образлари билан, доимо, ибрат мактабига айланди. Шоирнинг қуйидаги мисралари ҳам фикримизга асос бўла олади деган умиддамиз. Эй, одамзод! Ибрат олгин юлдузлардан сен, Ҳайриҳоҳлик ва баландлик хислатларида.

Шалтоқларда ағанамагин, күтарили, юксал,

Сўқир баҳтдан кўрар кўзли баҳтсизлик афзал...

Шоирнинг ижодий феномени ҳақидаги фикрларимизга нуқта қўяр эканмиз, хулоса ўрнида, яна унинг шеърларига қулоқ тутамиз. Шоир, айнан, ўзи айтганидай, сўқир баҳтдан кўра, кўрар кўзли баҳтсизликни афзал деб билди. Ҳар қандай қийинчилик ва баҳтсизликларга индамай дош берди, чидай билди. Ҳаётни борича, барча камчилик ва нуқсонлари билан севди. Инсоний фазилатларни тараннум этган ҳолда, доимо ижодий юксакликка интилиб, ижод завқи билан яшади ва аждодларга жуда бой, ўзига хос, бетакрор ва ўлмас маънавий мерос қолдирди.

Адабиётлар:

1. Устоз ижодкор.Методик-библиографик кўлланма.Т.:Алишер Навоий номидаги Милий кутубхонаси нашриёти, 2008.
2. Мақсуд Шайхзода. Ҳаёти ва ижоди.Т.:Ўқитувчи, 1994.
3. Шайхзода Мақсуд. Мақсуд Шайхзода замондошлари хотирасида. Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1983.
4. Аҳмедов Ш.Шоирнинг икки тақризи.//Ўзбек тили ва адабиёти.-2001,-№1.
5. Зокиров М. Ҳамиша ёдланган шоир//Ўзбекистон овози.-1993.-8 январь.
6. Maksud Shayxzoda zamondoshlari xotirasida, T., 1983 y.
7. XX asr o‘zbek adabiyoti tarixi, T., 1999 y. – 25 b.
8. Shayxzoda Maksud. Shoir qalbi dunyoni tinglar (Tanlangan asarlar) // Toshkent, „Nihol“, 2008. - 28 b.
9. Abdujalilova M. Maqsud Shayxzoda hayoti va ijodining o‘zbek milliy adabiyotidagi tutgan o`rni T., 2022 y. - 1198 b. Oriental Renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences ISSN 2181-1784.
10. Abdujalilova M. Maqsud Shayxzoda - Ikki xalq dilbandi, T., 2022 y. – 284 b. Academic Research in Educational Sciences Volume 3. Multidisciplinary Scientific Journal October, 2022.